

## ТАЛАБА-ЁШЛАРДА ИЖОДИЙ ФИКИРЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

ТИҚХММИ МТУ Бухоро табиий ресурсларни  
бошқариш институти Ижтимоий-  
гуманитар фанлар ва жисмоний  
маданият кафедраси ўқитувчи.  
**Фатуллаев Азизжон Насулло ўғли**

**Аннотация:** Ушбу мақолада талаба-ёшларнинг ижодий фикирлаш хусусиятларини шакллантиришининг педагогик-психологик хусусиятлари ҳақида фикр мулоҳаза юритилган.

**Калит сўзлар:** интеллект, ижодий фаоллик, креативлик, мантиқий фикрлаш, интуиция.

**Аннотация:** В данной статье рассматриваются педагогико-психологические особенности формирования особенностей творческого мышления учащихся.

**Ключевые слова:** интеллект, творческая активность, креативность, логическое мышление, интуиция.

**Abstract:** This article discusses the pedagogical and psychological features of the formation of creative thinking characteristics of students.

**Key words:** intelligence, creative activity, creativity, logical thinking, intuition.

Республикамизда ёшларнинг ўзини ўзи англаши, миллий ғурурга эга бўлиши, юксак идеалларга интилевчи ва меҳнатсевар, иймонли ва инсофли, ўтмиш аждодлар ва кексаларга нисбатан иззат-хурматли ҳамда юрт тақдирини ўз тақдирни билан боғлиқ деб ҳисобловчи шахс сифатида тарбиялашнинг меъёрий асослари яратилмоқда. Бу борада талабалардаги ижодийлик мотивацияси билан талабанинг интеллекти ўртасидаги алоқадорликни аниқлаш, талабаларда ижодий фаоллик мотивациясини ривожлантирувчи-коррекцион тренинг дастури ишлаб чиқиш юзасидан илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

2017 йил 7 июлдаги ПФ-5106-сонли “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармонлари доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

Замонавий дунёдаги кўплаб долзарб тадқиқотлар инсоннинг баркамол бўлиб соғлом шаклланиши учун унга тўғри таълим-тарбия бериш, шунингдек, шахснинг интеллектуал, ижодий (креативлик, лаёқат, мантиқийлик, тафаккур, қобилият сифатлари, иқтидор, истеъдод) имкониятлари тўлиқ рўёбга чиқиши, соғлом хулқатвор фазилатларига эга бўлиб, эзгу ва соғлом ғоя ҳамда мафкура асосида ўз йўлидан адашмай ўз ҳаётини қуриши ва шу асосда ўзининг халқи, миллати, жамияти ва давлати ривожига муносиб хизмат қила олишини таъминлаш масалаларига қаратиляпти. Бугунги кунда дунёда илм-фан ва технологияларнинг тезкор ривожланиши шароитида узлуксиз таълимнинг барча босқичлари, жумладан, олий таълимнинг самарадорлиги ва сифатини таъминлашда таълим олувчиларнинг креативлик, мантиқий фикрлаш, прагматизм қобилияларининг ривожланганлик даражаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Халқаро миқёсда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар талабаларни таълим жараёнида ижодий ва мантиқий фикрлаш, ўзликни англаш, ўз-ўзини тадқиқ этиш, ривожлантириш, ижодни намоён этишга таъсир этувчи омилларга асосланган замонавий таълим тизимини жорий этиш орқали амалга оширилмоқда.

Креатив тушунчалар ва ёндашувлар дунёнинг турли минтақаларида инсоният маданиятининг равнақ топишига жумладан, улар табиий, фалсафа, санъат ва гуманитар фанларнинг ривожланишига туртки бўлди. (Hennessey va Amabile, 2010) Маълумки, креатив фикрлаш шунчаки тасодифий келадиган фикрлардан кескин фарқ қиласиди. Бу билим ва тажрибага асосланган ҳақиқий компетенция ҳисобланиб, инсонларнинг кескин ва мураккаб вазиятларда кутилган натижаларга эришишларига имкон беради. Айни вақтда жаҳон ҳамжамияти инновацион ғоялар ва креатив фикрлашга нисбатан умумий ташаббускорлик деб қараб, юзага келаётган мураккабликларни енгишда инновацион ғоялар, билим ва кўнилмаларни эгаллашга ёътибор қаратилмоқда (OECD, 2010).

Шахснинг ижодий фаоллигига бағишлиланган манбалардаги турли қарашларнинг таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш мумкинки, унинг намоён бўлиши кўп жиҳатдан психик ҳолатга боғлиқ. Ҳар қандай тизимнинг ҳолати маълум бир кўрсаткичлар билан тавсифланиб, кўрилаётган тизимни у ёки бу хусусиятлари атроф муҳит, жамият билан ўзаро алоқаларининг даражасини кўрсатади. Субъект фаоллигини унинг ички ҳолатларига боғлиқлиги тадқиқ этилганда, субъектни ўз хусусиятлари, атроф-муҳит ва жамият билан ўзаро таъсирда бўлувчи яхлит физиологик ва психологик тизим сифатида кўриб чиқиш тавсия этилади.

Манбаларнинг таҳлили асосида шу нарса аниқ бўлдики, шахс ижодий фаоллигининг ривожланиши, бевосита интуиция тараққий этиши билан боғлиқ бўлиб, у ижодий тафаккур фаолиятининг асоси ҳисобланар, ижодий муаммони ҳал қилиш йўлларини қидиришда кўмақдош бўлар экан.

Инсон ижодий фаоллиги ҳақида тарихан шаклланган қарашлар таҳлилидан маълум бўляптики, қадимги Юнон мутафаккирлари (Арасту, Демокрит, Платон,

Фалес ва бошқ.) ижодкорликни интуицияни ички қўриш хусусияти, ақлнинг олий қобилияти сифатида кўриб чиқишиган. Интуиция феноменини ўрганишда асос солувчи ғояларни Б. Спиноза, Р. Декарт, И.Кант, В.Ф. Асмус, А. Бергсонда учратамиз. Интуиция муаммоси билишнинг фалсафий назариясида кўндаланг қўйилган бўлиб, одатда, билишнинг икки тури дихотомияси сифатида талқин этилган: интуитив, бевосита, исботга таянмаган ва рационал, билвоситалашган далил билан боғланган. Интуиция муаммосининг юқоридаги талқини, психологияда асосий ҳисобланади. Бошқача айтганда Интуиция (ижодий фаолликнинг таркибий қисми) бўлиб ижодий тафаккур қоидалар тизимида ифода этилмайди. Умуман интуицияга натижаларни олишда англашмаганлик ҳолати, жараённинг бехослиги ва тезлиги, муаммони ҳиссий шаклда ҳал этиш хос эмас.

Интуиция (in-tuitio – ғоянинг пайдо бўлиши) аввалги малакага таяниб, ҳақиқатни бевосита мантиқий асосланишсиз англаш ҳисобланади. Интуиция билишнинг ўзига хос усули сифатида кўрилганда, ҳақиқат ўша заҳоти муҳокамаларсиз англашади [1].

Креативлик (ижодийлик) масаласи тобора мамлакатимиз ва чет эл психологлари эътиборини кенг миқёсда жалб этиб келмоқда. Креативлик – индивиднинг ижодий қобилиятлари йигиндиси бўлиб, ноодатий ғоялар, тафаккурнинг анъанавий тизимларидан чекиниши, муаммоли вазиятларни тез ҳал қилиш иқтидори ҳисобланади. Янги ғояларни ишлаб чиқишига тайёр туришлик иқтидорнинг тузилмасига мустақил омил сифатида киради. А. Маслоуга кўра, бу - "барчага хос бўлган туғма ижодий йўналганлик бўлиб, кўпчилик муҳит таъсири остида уни йўқотади" [2].

Е.П. Торренс субъектларнинг муайян намунасини синаб қўришда муайян жавоблар юзага келадиган частота бўйича оригиналликни аниқлаш усулини ишлаб чиқди [3].

М.Смит психоаналитик нуқтаи назаридан келиб чиқиб, ижодийликни онг остидан онгга маълумотларни қабул қилиш қобилияти сифатида тушинтиради. Ижодийлик соҳиби инсон, креативлик эса уни ажралмас қисмидир, креативликни инсонни конструктив, ноанъанавий тафаккур ва хулқ-атвор қобилияти, шунингдек, ўз малакасини англаш ва ривожлантириш сифатида белгилайди. Шунингдек, яна бир ўзига хос ёндашувда интеллект ҳамда ижодий қобилиятлар даражаси тамомила бошқа асосда боғланади. М.А. Воллах ва Н.А. Коган томонидан тақдим этилган ушбу ёндашувга биноан, шахсий хусусиятлар интеллект ва креативликнинг турли хил даражалари ўйғунлашувига боғлиқдир. Шунга кўра, интеллект ва креативликнинг юқори даражасига эга бўлган инсонлар ички эркинлик, кучли ўз-ўзини назорат қилиш, яхши ижтимоий интеграция, ўз имкониятларига ишонч, диққатни жамлашнинг юқори кўрсаткичи, барча янгиликларга улкан қизиқиш, катта ташаббускорлик хусусиятларига эга. Юқори интеллектга эга, лекин креативлик даражаси паст инсонларда мулоқотчанликнинг пастлиги, ўз фикрларини жамоада баён этишда хавотирнинг юқорилиги, таваккалчиликдан қочиш хоҳиши, босиқлик,

тенгдошлар билан мулоқотда махфийлик, ўз хулқ-атвори ва фаолиятига ташқи баҳонинг адекватлигига боғлиқлиги билан фарқланадилар. Интеллекнинг паст даражаси, аммо креативликнинг юқори даражасига эга бўлган инсонлар, қийинчилик билан мослашадилар, хавотирлилик кўрсаткичи жуда юқори, ўзларига етарли даражада ишончлари паст, атрофдагиларнинг баҳосидан қўрқадилар. Ва ниҳоят, паст интеллект ва креативликнинг паст даражасига эга бўлган инсонлар, ташқаридан қараганда жуда яхши мослашадилар, адекват ўз-ўзини баҳолайдилар, ҳаётдан қониққанлар пассив ва ижтимоий мулоқотчандирлар [4].

Тор маънода ижод, аввал бўлмаган, янги ва сифатли бўлган, ижтимоий-тарихий қийматга эга бирон нимани инсон фаолияти натижасида вужудга келишидир. Бундай нуқтаи назарга изоҳ берган Л.С. Выготский “Ижодийлик-кам сонли танланган инсонлар, даҳолар, улкан истеъдод эгалари буюк бадиий асарлар ва техника соҳасини такомиллаштирган илмий ихтиrolарни яратган”, деб кўрсатган эди [5].

Замонавий жамиятда ўз-ўзини такомиллаштирувчи ва ривожлантувчи, вужудга келаётган ҳаётий қийинчиликларни самарали ҳал қилувчи, ноодатий тафаккур қилувчи шахс талаб этилади. Бу борада ижодий фаол инсонларни ривожлантиришга, билиш, яратувчанликнинг турли кўринишларида қобилиятларини намоён эта оловчиларга эҳтиёж вужудга келмоқда. Ушбу фаолиятнинг натижаси жамият учун яққол кўзга ташланмасада, бироқ унинг бу жараёнда иштироки болалар учун бирламчи аҳамиятга эга. Унинг натижасида мустақиллик, ташаббускорлик ва шахснинг ижодий салоҳияти намоён бўлади.

Янги таълим стандартлари шахснинг яхлит тараққиётини талаб этиб, унинг негизини ижодий фаоллик ташкил этади, шунинг учун таълим оловчиларда ижодий фаолликни ривожлантириш долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Ушбу шахсий сифатни намоён этмай туриб, ўқувчида у ёки бу соҳа билимларини эгаллашда билиш жараёнлари муваффақиятли ривожланмайди. Ўқувчининг ижодий фаолияти иродавий, мақсадга йўналтирилган, ҳар томонлама ривожланган шахс шаклланишида марказий ўринни эгаллайди.

Қайд этиш мумкинки, ижодий фаоллик ўз-ўзидан, тўсатдан вужудга келмайди. Ўқитувчи томонидан ташкил этилган ўқув фаолияти шунга йўналтирилган бўлиши керак.

Бизнинг фикримизча, ижодий ўқув фаолияти моҳиятини шахс интеграл хусусияти сифатида кўриб чиқиши лозим бўлиб, эҳтиёжлар, қизиқишлир ва фаолиятнинг мақсадга йўналтирилган бирдамлигига намоён бўлувчи унинг индивидуал шартланган акс этувчи-қайта шакллантирувчи фаолиятнинг олий босқичи сифатида намоён бўлади. Юқоридагилардан келиб чиқиб, шахс ижодий шаклланиши тўғридан-тўғри сифатлар тараққиёти, психик жараёнлар мураккаб шаклининг йиғиндиси бўлиб, янгиликни очиш, номаълумни ўзлаштириш, янги билиш, қизиқишлир ва эҳтиёжларни шакллантириш, шахс ижодий қобилиятлари, мустақиллиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш ҳисобланади.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Богоявленская Д.Б. Интеллектуальная активность как проблема творчества. - Ростов-на-Дону, 1983. -173 с.
2. Maslow A.H. Comments on Dr. Frankl's paper // Readings in Humanistic Psychology / A.J. Sutich, M.A. Vich (eds.). N.Y.: Free Press, 2009 a. - P. 126–133.
3. Торренс у А. Новые рубежи человеческой природы /Пер. с англ. -М.: Смысл, 1999. - 425 с.
4. Wollach M.A., Kogan N. A new look of the creativity- intelligence distinction. J. of Personality. 1965. V. 33. №3. P. 348-369.
5. Выготский Л.С. Воображение и творчество в детском возрасте. — СПб.: СОЮЗ, 1997. - 96 с.
6. Ramazonov, J. J. (2021). The role of self-governance in providing personal perfection. Scientific progress, 2(2), 1075-1078.
7. Ramazonov, J. (2021). Reflexive Mechanism-As The Main Form Of Controlling Students' Psychological Conditions. Центр Научных Публикаций (buxdu. uz), 7(7).
8. Рамазонов, Ж. Ж. (2021). Ўзини ўзи идора қилиш ижтимоий-психологик феномен сифатида. Scientific progress, 2(4), 306-314.
9. Джалолович, Р. Ж. (2021). Ўзини ўзи идора қилиш ижтимоий психологик муаммо сифатида. Ижтимоий фанларда инновация онлайн илмий журнали, 1(4), 51–57. Retrieved from <http://www.sciencebox.uz/index.php/jis/article/view/169>
10. Ramazonov Jahongir Jalolovich. (2021). Reflexive mechanism - as the main form of controlling students' psychological conditions. Emergent: Journal of Educational Discoveries and Lifelong Learning (EJEDL), 2(03), 34–36. Retrieved from <https://ejedl.academiascience.org/index.php/ejedl/article/view/16>
11. Ramazonov J.J. Reflexive Mechanism-As The Main Form Of Controlling Students' Psychological Conditions. The American Journal of Social Science and Education Innovations 3(02), 379-382, 2021.